

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

УЎК (УДК, UDC): 81'255.2
DOI:10.36078/1581925778

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА МАЪНО ТАЛҚИНИ



Аидахон Мергановна БУМАТОВА

PhD тадқиқотчи, ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

aidabumatova@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада замонавий шеърий таржима жараёнидаги мутаржим томонидан амалга ошириладиган аслият матни таҳлили ва талқини, шунингдек, шеърий матн руҳиятини ташкил этувчи асосий унсурлар бўлмиш шакл, маъно ва матннинг поэтик элементлари, уларнинг таҳлили ва таржимада сақланиш қонуниятлари муҳокама қилинган. Тажимон асарни бир тилдан бошқа тилга ўғирар экан, унинг олдида ҳар доим бир неча танловлар туради. Таржимоннинг маҳорати аслият матнини чуқур англаган ҳолда, ундаги таржима тилига кўчирилиши лозим бўлган маъно қатламларини илғаб олиши зарур. Таржима назарияси қонуниятларига кўра аслият матнининг рецепторга кўрсатган таъсири, таржима матнининг таржима рецепторга кўрсатган таъсирига тўғри пропорционал бўлиши, сифатли таржиманинг асосий кўрсатгичи ҳисобланади. Бизлар бу фикрга маълум даражада қўшиламыз холос. Биринчидан, оригинал матннинг рецепторга таъсир этиш даражасини аниқлаб берадиган ягона анализ тизими мавжуд эмас. Демакки, аслият матни ўқувчига айнан қандай таъсир этганини биз ҳолис ҳисоб-китоб орқали била олмаймиз. Иккинчидан, бир поэтик матннинг икки ёки ундан ортиқ кишига бир хил таъсир этади дея таъкидлаш мумкин эмас. Сабаби, ҳар бир киши, шеърни ўқиганида унга — ўзининг дунёқараши, шеъриятга бўлган муҳаббати, шоир руҳиятига яқинлиги ва ўша вазиятдаги психо-эмоционал ҳолатидан келиб чиқиб баҳо беради. Битта шеър бир одамнинг ўзига ҳам турли хил ҳаётий вазиятларда турлича таъсир этади. Бу феномен шеъриятнинг тушунтириб бўлмас хусусиятидир. Шеър инсоннинг ақли эмас, бевосита эмоцияларига таъсир ўтказгани учун ҳам унинг таъсирланиш даражасини аниқлаб берувчи доимий бирлик йўқ.

Калит сўзлар: шеърий таржима; поэтика; ритм; шакл; мазмун; вазн; поэтик бўёқдорлик; тағмаъно.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СМЫСЛА В ПОЭТИЧЕСКОМ ПЕРЕВОДЕ

Аидахон Мергановна БУМАТОВА

PhD исследователь, преподаватель

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
aidabumatova@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются основные элементы, создающие поэтический дух переведенного стихотворения, анализ этих составляющих и особенности перевода. В статье обсуждается процесс анализа и интерпретации, с которым сталкивается каждый переводчик, который занимается переводом поэтических произведений, рассматривая наличие, упущение или трансформацию важных элементов поэзии, таких как форма, значение и поэтика. По всем канонам переводческой теории, тождественность впечатлений, которые рецепторы оригинала получают от чтения литературы на родном языке и переведённого текста на языке перевода читателем другого языка, является основным критерием качества перевода. Но как ни странно, это мерило не может быть абсолютным, так как литература и тем более отдельно взятое произведение, будь то поэзия или проза, не может оказывать одинакового впечатления на всех читателей. Это значит, что мы не можем изначально выделить уровень впечатления, оказанного на читателя оригинала каким-либо произведением. То есть ни о какой тождественности впечатлений речи быть не может. Человек, который читает определённое стихотворение, понимает его исходя от своего интеллектуального уровня, степени его душевного родства с поэзией автора и его мировоззрения, от определенной жизненной ситуации, в которой находится читатель во время чтения того или иного произведения. Помимо словесной составляющей, которая является важным компонентом поэзии, последняя ещё обладает специальным характером, который напрямую влияет на эмоции и восприятие человеком текста.

Ключевые слова: поэтический перевод; поэтика; ритм; форма; смысл; стопа; поэтическое оформление; прагматическое значение.

THE INTERPRETATION OF MEANING IN POETIC TRANSLATION

Aidakhon Merganovna Bumatova

PhD researcher, teacher of TSUUL

Tashkent State University of Uzbek

language and Literature named after Alisher Navoi

abumatova@gmail.com

Abstract

The article discusses the process of analysis and interpretation that is carried out by a translator taking into consideration the presence, omission or transformation of crucial elements of poetry such as form, meaning and poetics of a poem. In a broad sense, it is logical enough to consider that translating a poem is much easier than, for instance, rendering of novels, stories and any other types of written genre of literature, because of its shorter forms. There are some considerations about what a quality translation is and how basically a translator is supposed to achieve it. Some theories presuppose that if the effect of the original text corresponds to the effect of the translated text, it can be thought of as a good translation. Nevertheless, when a person is exposed to some kind of literature - it can be a good example of prose or poetry, they mainly involve several various factors to form a general impression about the piece they have read. The attitude of a reader to the author and his style, the open-mindedness of a person, the general literacy degree of the receptor together with his personal feelings and life situation on the moment of reading a particular piece of poetry – all of these are going to have an impact on how the receptor

of the original will perceive the text of the original. Since there are too many unknowns, this measurement for the quality of the translation will be ambiguous.

Keywords: poetic translation; poetics; rhythm; form; meaning; foot; poetic embroidery; pragmatic meaning;

Қадимги даврларда, турли қабилаларга мансуб кишилар орасидаги ўзаро алоқа эҳтиёжи туфайли юзага келган таржима миллатлар ўртасидаги мулоқотнинг энг муҳим кўринишларидан саналади. “Таржима — бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эътиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадий завқ олиш учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир” (9, 16). Амалий маънода таржима мулоқот воситаси бўлсада, илмий нуқтаи назардан унинг ўзига яраша қонун-қоидалари борки, улар бир тилдан бошқа тилган матн ўгириш жараёнини тартиблаб туради. Таржимон матн таржимасида нечоғлик эркин ҳаракат қила олиши мумкинлиги доимий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келади. Умуман олганда, ҳар қандай таржиманинг асосида, авваламбор, тарнсформация — яъни ўзгаришлар ётади. Трансформациялар матннинг барча сатҳларида учрайди. “Таржима трансформациялари орасида таржимада трансформацияга асос бўлиб хизмат қиладиган сўз қўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, талькалаш, тасвирий таржима усуллари асос қилиб олинади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узоқ эканлигидан далолат беради” (13, 131). Мазкур мақолада таҳлилга тортилган таржима матнларида биз трансформацияларнинг пайдо бўлишига нафақат тиллар балки маданиятларнинг ҳам ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таъсир кўрсатишини исботлашга уринамиз. Асл келиб чиқиши чех бўлган англиз таржимашунос олими Питер Ньюмаркнинг таъкидига кўра: “A translator, perhaps more than any other practitioner of a profession, is continually faced with choices, for instance when he has to translate words denoting quality, the words of the mental world (adjectives, adverbs, adjectival nouns, e.g. 'good', 'well', 'goodness'), rather than objects or events. In making his choice, he is intuitively or consciously following a theory of translation, just as any teacher of grammar teaches a theory of linguistics (1, 8).

Моҳир таржимонларнинг меҳнати туфайли ўзбек адабиётининг тенгсиз дурдона асарлари жаҳонга танилиб келмоқда. Сўнгги вақтларда, эски ўзбек тилининг асосчиси, буюк шоир ва файласуф аждодимиз, “миллат ва дин

низоми” (8, 196) Алишер Навоийнинг ғазалларини инглиз тилига таржима қилиш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. “Тадқиқотларга кўра, Пушкин ўз асарларида 21197та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзларнинг туркий тилга ўзлашиш имкониятидан маҳорат билан фойдаланган” (12, 121). Юртимизда бугунги кунда Қ. Маъмуров ва А. Обидовлар Алишер Навоий ғазалларини бевосита инглиз тилига таржима қилиш бўйича энг фаол иш олиб бораётган таржимон олимларидандирлар. Айнан шу ғазалнинг инглиз ва рус тилларидаги таржималарини қиёслаган ҳолда олима Зилола Шукурова таҳлил келтиради. Аммо, у таҳлилда фақат Д. Султанованинггина таржимаси ҳақида сўз юритилган. Биз мақоланинг асосий қисмида, шу таҳлилий мақоланинг баъзи бир фикрларига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Аслият матнининг структурал таҳлиliga кўра, “Ғаройиб ус-сиғар” тўпламига киритилган “Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт” мисраси билан бошланадиган ғазали арузнинг рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган. Ғазалнинг рукнлари ва тактийи: Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон; “– U – – / – U – – / – U – – / – U ~”. Қофияланиш тартиби: “a–a; b–a; c–a; d–a; e–a; f–a; g–a;”. Ғазалда – “дилоромимға, гуландонимға, худкомимға, шомимға, бадномимға, анжомимға, дилоромимға” сўзлари қофия, “айт” эса радифдир. Ғазал 7 байт ва 14 мисрадан иборат. Шу вақтга қадар ғазал инглиз тилига бевосита 3 марта таржима қилинган. Биринчи марта ғазалнинг таржимаси 2000 йилда Қосим Маъмуров ва Леонид Кметюклар (11) томонидан нашр этрилган “Уммондан дурлар” китобида, иккинчи марта 2015 йилда *Selected Gazels of Navoi* (“Навоийнинг танланган ғазаллари”) (10) номи билан нашрдан чиққан Динара Султонованинг таржималари ва ниҳоят охириги 2016 йилда америкалик таржимон Денис Дейли томонидан *Twenty-one Ghazals* (6) номи билан таржима қилинган китобларда нашр этилган.

Ғазал севимли ёри узоқларда ҳаёт гаштини сураётган бир пайтда, хижрондан қон ютаётган ошиқ тилидан ёзилган. Ғазалнинг мақтаъсида ошиқ ўзининг бу аҳволдан суюқлисини ҳабардор этиш учун тонг елига мурожаати билан бошланади.

Биринчи байт:

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.*

Байтнинг маъноси:

*Эй тонг ели, аҳволимни сочи сунбул, юзлари гул,
Қомати сарвдек тик, дилга ором берувчи гўзалимга айт.*

Шарқ мумтоз шеъриятида кўп учрайдиган образлардан бири тонг шамолидир. У ҳам ёрдек ёқимли ва нозик бўлиб, мумтоз адабиётимизда жонлантириш санъатидан фойдаланиб, унга ошиқнинг дарди-ҳолини машуқага етказиш вазифаси юклатилади. Байтнинг иккинчи мисраси ёрнинг ананавий тасвири билан давом этади. “Зулфи сунбул” — ибораси ўзидан ифор таратадиган сочининг юз қисмидаги икки томондан тушиб турган гажак образини беради. Машуқанинг юзи мусулмон шарқ мумтоз лирикасида кўпинча гулга унинг қадди эса расо сарвга ўхшатилиши ҳам анъанавий тасвирни ҳосил қилган.

Д. Султанова таржимаси

*O gentle wind of morn of my state to the delight of heart tell,
To my bonny cypress whose curl- fair, face- like a floweret tell.*

Таржимаси:

*Эй тонгнинг нафис шамоли, менинг аҳволимни дилоромомга айт,
Менинг зулфи гўзал, юзи гулдек хушрўй сарвимга айт.*

Мазкур таржимада аслиятдаги персонификацияли мурожаат “O gentle wind of morn” кўринишида сақланган; машуқа образининг таърифида эса, кетма-кетлик ўзгарган ва метафора санъати сифатлаш билан ўзгартирилган. Ўзбек мумтоз адабиётига хос бўлган зулфнинг муаттар ҳид таратиш ҳолати, инглиз таржимасида гўзал зулф бирикмаси билан алмаштирилган.

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

*O breeze of dawn, go and describe my state to the one who is the joy of my
heart,*

*Tell my beauty whose curls are black and whose face is as tender as a
flower...*

Таржимаси:

Эй тонгнинг нафис шамоли, бор ва менинг аҳволимни юрагимнинг

қувончи бўлган биттасига таърифлаб

бер,

Айт менинг зулфлари қора ва юзи гулдек нозик гўзалимга.

Таржимада “Эй насими субҳ” — “O breeze of dawn” билан ўзгартирилган ва бу бирикма инглиз китобхони учун “gentle wind of morn”га караганда танишроқ. Метафора бу аржимада ҳам ўхшатиш билан ўгирилган, зулфнинг ҳиди тушурилган ва “сарви гуландомим” — “beauty” га айланган.

Д. Дэли таржимаси:

Dawn-walking, rollicking, and eager wind

You carry my words. Sustain them, o wind.

Таржимаси:

Тонгда кезувчи, бегам, шўҳ ва шиддатли шамол,

Менинг сўзларимни олиб бор. Сақлаб қол уларни о шамол.

Мазкур таржима шакл нуқтаи назаридан энг сиқик чиққан. Аммо бунинг товони сифатида байтнинг аслиятдаги икинчи мисраси қурбон берилган. Аслиятда учта сўздан иборат бўлган “Эй насими субҳ” таржимада олти тасвирий бирикмага айланган: “Dawn-walking, rollicking, and eager wind”. Бу ҳодисани тасвирий таржима деб аташ мумкин. Шу билан бирга трансформациянинг тушиб қолиш тури ҳам содир бўлмоқда.

Иккинчи байт:

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,

Базми айш ичра лабо-лаб бода ошомимга айт.

Байтнинг маъноси:

Унинг лаблари яъни сўзлари соғинчида мен бетиним қон

ютаётганимни,

Қувноқ базмда қадаҳини тўлдириб май ичаётганимга етказ.

Мумтоз шеърят қоидаларига кўра ёр ҳар доим бевафо ва жафокаш, ошиқ эса доимо вафоли ва сабрли бўлади. Муҳаббат қийноқлари ошиқнинг ҳаёт мазмуни бўлиб қолади, у машуқадан аразлашни, ҳатто, бир лаҳзага бўлса ҳам ҳаёлига келтирмайди. Машуқа ундан узоқда, ошиқ унинг пурмаъно

сўзларини соғинади, бу вақтда эса, машуқа, ҳар доимгидек унинг рақибларига карам кўрсатиб, уларни ўз суҳбатига ошуфта қилаётир.

Д. Султанова таржимаси:

***Been tempted by those lips ruby my heart time after time bleeds,
Of it to my wine server who enjoys holding jolly feasts tell.***

Таржимаси:

*Унинг қизил лаблари томонидан қисталиб дилим дамба-дам қонамоқда
Бу ҳақда, менинг май қуювчи, қувноқ базмлар уюштиришни
ёқтирадиганимга айт.*

“Ҳасрат” — сўзининг АНАТИЛда “иштиёқ, ишқ ўтида ёниш, зориқиб кутиш; муҳаббат, севги” (5, 167) каби маънолари берилган. Таржимон қўллаётган “tempt” феъли бу ўринда семантик нуқтаи назардан бошқачарок маъно келтириб чиқаради. Мазкур феълнинг инглизча маъносига эътибор қаратсак:

- 1) *to entice or allure to do something often regarded as unwise, wrong, or immoral;*
- 2) *to attract, appeal strongly to, or invite: The offer tempts me;*
- 3) *to put to the test in a venturesome way; provoke: to tempt one's fate;*
- 4) *Obs. to try or test (15).*

Кўриб турганимиздек, бу феъл бир қадар негатив маъно бўёқдорлигига эга бўлиб, уни машуқа ва унга бўлган илоҳий муҳаббатга нисбатан қўллаш, биров семантик ғализликка олиб келиши мумкин. Бундан ташқари “бодаошом” сўзига “майпараст, кўп ичувчи киши; гўзал” каби тариф берилади (2, 303). Бу образнинг ўрнига таржимага “май қуювчи” ва “қувноқ базмларни ёқтирувчи” образлари киритилган.

“Қон ютармен дам ба дам” ибораси инглиз тилига қилинган таржимада шакл нуқтаи назаридан мутлақо ўзгартирилган бўлса-да, бизнингча, айнан шу нарса уни оригинал мисра маъносига максимал равишда яқинлаштирган. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам борки, бу нарса бевосита маданиятлар орасидаги фарққа бориб тақалади. Гап шундаки, “my heart bleeds for you” бирикмасининг инглиз тилида биз ҳозиргина кўриб ўтган маъносидан бутунлай фарқ қиладиган замонавий маъноси ҳам борки, замонавий инглиз китобхони бу жумлани ўқиганида, когнитив диссонанс ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Замонавий нутқда, мазкур бирикма кесатиш, кинояли гапириш, писанда қилиш ҳолатларида ишлатилади. Масалан, луғатда мазкур

атамага қуйидагича изоҳ берилади: “used ironically to express the speaker's belief that the person spoken about does not deserve the sympathetic response sought:

— “I flew out here feeling tired and overworked”.

— “My heart bleeds for you! She replied” (16).

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

*My yearning for her ruby lips has caused me infinite pain,
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about all this.*

Таржимаси:

*Унинг лаъл лабларини ҳасрати менга беҳисоб азоб берди,
Буларнинг ҳаммасини мен билан шодлик жомидан бирга ичганимга
айт.*

Таржиманинг биринчи мисраси аслиятга эквивалент бўлса-да, иккинчи мисра аслият матнига мос эмас. Ошиқ машуқ билан шодлик жомидан ичишни бир умр орзу қилсада, бу ҳеч қачон амалга ошмайди.

Д. Дэли таржимаси:

*Tell my black-haired beauty her curls enchant,
Give her my visions. Let her ride your wind.*

Таржимаси:

*Менинг қора сочли гўзалимга, ўзининг зулфларини сеҳрлаб қўйишини айт,
Унга менинг ҳаёлларинми бер. Сенинг шамолингни минсин*

Таржимада аслиятдан биргина образ — зулф сақланган бўлсада, уни таржима эмас, балки аслиятдан илҳомланиб, шоир томонидан яратилган оригинал матн сифатида қараш тўғрироқ бўларди.

Учинчи байт:

*Ком (3, 123) талху, бода захру, ашк рангин бўлганин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.*

Байтнинг маъноси:

*Оғзимнинг аччиқ, майимнинг захар, кўз ёшимнинг рангли бўлганини,
Лаблари ширин, сўзлари гўзал, шўҳ ва фақат ўзини ўйловчимга айт.*

Ошиқ муҳаббат дардида қийналавериб, на еганида ва на ичганида халоват қолмаган; бунинг устига, кўзларидан ҳам ёш ўрнига қон оқмоқда. Ошиқнинг бу қадар аянчли образи, иккинчи мисрада, машуқанинг тамоман бахтли образи таърифи билан давом этади: у тамоман бекам — ошиқ билан бутунлай бошқа-бошқа дунё, шунинг учун ҳам, у ошиқнинг бу аҳволига парво ҳам қилмайди.

Д. Султанова таржимаси:

***The tongue so bitter, wine as if poison made my tears soiled,
Of it to my playful self-lover, whose lips- sweet, words- colored tell.***

Таржимаси:

*Тил шундай аччиқ, захардек шароб менинг кўз ёшларимни
лойқалантирди.
Бу ҳақда менинг ўйинқароқ, ўзини севувчи, лаблари ширин, сўзлари
рангба-рангимга айт.*

Мазкур таржимада аслият матнига бир неча формал ўзгартиришлар киритилган. Биринчидан, “ком — оғиз” сўзи “tongue тил” сўзи билан алмаштирилган. Иккинчидан — шоир оғиз, май ва кўз ёшларга нисбатан тўғридан-тўғри метафора ишлатиб уларни уюшиқ бўлак сифатида саналган бирикмалар сифатида таърифлаётган бўлса, таржимада “захарга ўхшаш шароб” шоирнинг “ёшларини лойқалантирмоқда”. Учинчидан — одатда, инглиз тилида ўхшатиш қилиш учун “as ёки like” сўзларидан фойдаланилади. Таржимон ишлатаётган “as if” бирикмаси ҳам “худди” маъносини беради. Аммо, бу бирикма сабаб эргаш гапларнинг боғловчиси бўлгани учун ҳам ўзидан олдин ҳам кейин ҳам эга ва кесим талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, таржимада тўғри синтактик шакл берилмаган ва бунинг оқибатида асл маъно ҳам сақланмаган. Тўртинчидан — кўзлардан тўпроқ аралаш ёшдан кўра, юрак бағри яра одам сифатида қон оқиши образ талаби эди.

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

***Tell my playful selfish darling whose every word is wisdom
That my spirits are low and that the wine I drink is bitter and my tears have
turned to blood.***

Таржимаси:

*Айт менинг ўйинқароқ, худбин, ҳар бир сўзи пурмаъно азизимга
Менинг табим хира, ичадиган шаробим аччиқ ва менинг кўз ёшларим қонга*

айланганини.

Таржимада кўзга бирдан ташланадиган биринчи ўзгариш бу байтдаги мисраларнинг ўрни алмаштирилганидир. Аслиятдаги қуйидаги бирикмалар ҳам трансформацияга учраган: “Ком талх — my spirits are low”, “бода захр — the wine I drink is bitter”, “ашк рангин — my tears have turned to blood”, “Лаъли ширин — лафзи рангин” бирикмалари бирлаштирилиб — every word is wisdom”, “шўхи худкомим — playful selfish darling” билан ўгирилган.

Д. Дэли таржимаси:

*Each word from her ruby lips a wisdom,
A toast of wine I make. I shout through wind*

Таржимаси:

*Унинг ёқут мисли лабларидан чиққан ҳар бир сўз доноликдир,
Мен қадаҳ сўзи айтаман. Шамол ичра қичқираман.*

Бу таржима аслиятдан “лаблар” ва “май” образларини олган бўлсада, уларнинг қўлланилиши ва маънолари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Аслиятда таржимон севгилисини олқишлаб, қадаҳ сўзи айтиб май ичаётгани образи мавжуд эмас. Қуйидаги бирикмалар эса, таржима матнига умуман киритилмаган: “Ком талху, бода захру, ашк рангин, Лаъли ширин, шўхи худкомим;

Биринчи мисрадаги “рангин” аҳволи тангликка ишора бўлса, машуқа тасвирига оид мисрада у гўзаллик ва рангба-ранглик тимсоли бўлиб келмоқда.

Тўртинчи байт:

*Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.*

Байтнинг маъноси:

*Айрилиқ туни нега сенинг ҳаётингни қоронғу қилди деб,
Мендан эмас, тонги йўқ тунимдан сўрагин.*

Айрилиқ мумтоз адабиётда тун, висол эса тонг тимсоллари билан боғланган. Шу ўринда шоир қўллаётган тасвир гиперболик кўринишга келтирилмоқда. Яъни, тунда ҳамма ер қоронғу бўлади, бу табиий ҳол. Аммо, тун ҳар доим тонг билан алмашинади, бу ҳам табиат қонуни. Шоирнинг

ҳолатида эса, бу қонун бузилган. Унинг тунлари — азоблари тугамайди, чунки у ўзига шундай жафокаш — субҳи йўқ — ёр танлаган. Одамлар, нега тинмай азоб чекаверасан деб мендан сўраманглар, бу иддаони менинг гўзал ёримга айтингиз, — дейди шоир.

Д. Султанова таржимаси:

*And why she forced the evening to be dim, the time for to depart,
Don't tell me, of it to her who cares for dim night not for day light tell.*

Таржимаси:

*Ва нега у оқшомларни хира бўлишга мажбур қилгани, кетиш учун вақт,
Менга айтма, бу ҳақда нурсиз тунни ёруғ кундан афзал кўрадиганимга
айт.*

Назаримизда таржиманинг айнан шу мисралари бироз ноаниқ чиққан. Авваламбор, оқшомларнинг ёруғ эмас, хира бўлиши табиий. Бу ҳолатга инсон томонидан мажбурланиш (“*she forced the evening*”) мушкул. “Шоми ҳижрон”ни “*she*” билан алмаштириш лозим эмас эди, сабаби ўқувчи бу ўринда машуқани тушуниб қолиши мумкин. Шоирнинг танг аҳволига ёрнинг фурқати сабаб. У севиб қолганидан эмас, муҳаббати жавобсиз бўлганидан азият чекмоқда. Бундан ташқари, “*the time for to*” бирикмасида “*for*” ортиқча. Иккинчи мисрадаги “*tell*” аслиятда “*ask*” феълига тўғри келади. Ва ниҳоят, мисра охиридаги “*нурсиз тунни ёруғ кундан афзал кўрадиганим*” бирикмаси нимани назарда тутаётганига аниқлик киритиш лозим.

“Уммондан дурлар” да келтирилган таржима:

*Do not ask me why the night of parting has turned my life into
darkness
Be recount all this to the night which will never end with the
dawn.*

Таржимаси:

*Мендан айрилиқ туни нега ҳаётимни қоронғуликка айлантирганини
сўрама,
Бунинг ҳаммасини ҳеч қачон тонги отиб тугамайдиган тунга сўйла.*

Таржимада байтнинг умумий маъноси яхши тикланган. Унинг мукаммал бўлишига фактгина иккинчи мисрадаги “*Be*” ва “*recount*” феълларининг

ҳозирги оддий замон формасини яшашда биргаликда ишлатилган грамматик хато мавжудлиги ҳалал беради.

Д. Дэли таржимаси:

***My wine is bitter tasting, don't ask why.
Certainly she'll recall the parting wind***

Таржимаси:

*Бодам аччиқ, нега деб сўрама.
У албатта ҳайрлашув шамолни эслайди.*

Аслиятда бу қаторда май мавжуд эмас, аммо таржимон хануз ишратда. Умуман олганда, лирик қахрамоннинг танг аҳволини таърифлаётган образ тикланган бўлса, у аслият билан боғланмаган. Хусусан, унда аслиятда мавжуд “Шоми ҳижрон”, “рўзгоринг тийра”, “субҳи йўқ шомим” бирикмалари тушуриб кетилган.

Бешинчи байт:

***Ул пари ишқида нангу номким тарк айладим,
Кўнгул отлиг ҳажр водийсида бадномимга айт.***

Байтнинг маъноси:

*У парига ишқида ор-номусимдан айрилганимни,
Кўнгил аталмиш, ҳижрон водийсида шарманда бўлганимга
айт.*

Маълумки, парилар инс-жинслар зотидан бўлиб, инсонлар одатда уларни кўрмайдилар. У ёки бу сабаб билан кимдир бу махлуқотларни кўриб қолса, улар жинни бўлиб қоладилар. Халқда уларни мажнун ёки девона дейишади, ҳамда уларнинг дардига даво одатда парихонлар бўлади. Ошиқ узининг аҳволини шу девоналарга қиёс қилмоқда. Одамлар уни тинмай масҳара қиладилар, чунки унинг ҳушини пари олиб қўйган. У ўзи нима қилаётганини билмайди. Ошиқ аввалги ҳаётидан ҳам обрўсидан ҳам кечиб юборган. Унинг ҳаёт мазмуни энди шу парисифат гўзал. Бунининг ҳаммасига эса шоирнинг кўнгли айбдор. У ақлга қулоқ солмайди, тўғри ва нотўғрини фарқлашни ҳам истамайди. У жавобсиз муҳаббат ортидан югуравериш ҳижрон даштига келиб қолди, энди шу ерда адашиб, шарманда бўлиб, ўз ёғига ўзи

коврилиб юрибди. Зероки, кўнгилдек ҳақиқий ошиқ бу даштдан ортга қайтиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Юқорида олима Зилола Шукурова томонидан мазур ғазалнинг таржимаси таҳлилидан бир иқтибос келтиришни лозим топдик: “...*Now he calls his mistress “badnom” that means the person who deserves not to be called by a good name...*”. таржимоннинг фикрича, “бадном” сўзи ёрни таърифлаш учун ишлатилмоқда. Аммо аслиятда ҳам, Д. Султанованинг таржимасида ҳам, бу ҳолат кузатилмайди. Таржимон, битта гап бутун бешинчи байтнинг маъносини ўзгартириб юбормоқда. Бизнинг фикримизча, таржимани таҳлил қилаётган олим бундай кўпол хатога йўл қўймаслиги учун, аслият матнининг ўзи билан, ҳали таржима матнини ўқимасдан олдин яхшилаб танишиб чиқиши лозим (14).

Translation of D. Sultanova:

***Fallen in love with her I set myself free from unwilling deeds,
To low praised soul who dwells in my dale where lovers part of it
tell.***

Таржимаси:

*Унга ошиқ бўлиб мен ўзимни майлсиз ишлардан озод қилдим,
Кам мақталган қалбки қайсики менинг водийимда қаердаки
севишганлар ажрашадилар сарсондир бу ҳақда айт.*

(Севишганлар ажраладиган менинг водийимда кам мақталган сарсон қалбга бу ҳақда айт.)

Таржимадаги мисралар орасида мантиқий боғланишни англаш мушкулроқ. Таржимада унга ошиқ бўлиб, номақул ишлардан қўлим ювдим деган маънони англаш мумкин, аммо иккинчи мисрадаги бадномлик бу маънонинг мавжуд бўлишига мантиқан йўл қўймайди. Яъни, пок қалбли инсон, элда ҳурмат топиши керак эди, шармандалик эмас. Бадном — яъни, ёмон отлик, беобрў — сўзларини “low praised” билан бериш семантик аниқликни таминлай олмайди. Бунинг устига, таржимада “ул пари”нинг оддийгина “her” билан алмаштирилиши, шоир назарда тутган девоналикнинг сабабини юзага чиқармайди. “Ҳижрон водийси”нинг ҳам таржимада ўзлаштирилиши — “my dale” аслиятга мос эмас. Умуман олганда “ҳажр

водийси”ни “my dale where lovers part” шаклидаги таржимаси бироз чўзилиб кетган.

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

*Having preferred the love of this peri I have forgotten my name and all
shame,
Tell of this to that creature that shames me and is called my heart.*

Таржимаси:

*У парининг севгисини устун кўриб ўз номим ва уятимни унутганимни,
Мени шарманда қиладиган ўша кўнгил номли маҳлуқотга айт.*

Мазкур таржимада “ҳажр водийси”нинг таржимаси берилмаган; “бадноним” отлашган сифати таржимада “shames me” кўринишидаги феълли бирикмага айланган; кўнгилга нисбатан “creature” мавжудот сўзи қўлланган. Назаримизда кўнгил абстракт тушунча бўлиб, унга нисбатан шакл-шамойилга эгаликни назарда тутувчи “мавжудот” сўзининг қўлланилиши семантик нуқтаи назардан нотўғри. Шунга қарамай, шоир назарда тутган байтнинг умумий маъносини англаш мушкул эмас.

Д. Дэли таржимаси:

*And how I loved her above all others.
Even as she shamed me, named me her wind.*

Таржимаси:

*Ва мен уни қанчалик ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўрганимни,
Ҳаттоки у мени шарманда қилганида ҳам, мени ўзининг шамоли деб
атаганида ҳам.*

Пари орази бу таржимада ҳам йўқ. Шармандалиқ лирик қаҳрамонга унинг кўнгли эмас, севгилиси томонидан олиб келинмоқдаки, бу бир қадар мумтоз шеърятимиз қоидаларига зид. Машуқа, ҳеч қачон ҳеч нарса учун айбдор бўлиши мумкин эмас. Мисра охиридаги “named me her wind” бирикмасининг қўлланилиш сабаби ҳам тушунарсиз. Аслиятда шамол образи бу байтда умуман берилмаган эди. Аслиятдаги “нангу ном” инсонларга айланган “all others”; “ҳажр водийси” бу таржимада ҳам мавжуд эмас. “бадноним” — кўнгилга нисбат берилган сўз таржимада ёрга тегишли бўлиб қолган — “she shamed me”.

Олтинчи байт:

*Эй кароматгўй, ишим оғози (3, 546) худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимга (2, 98) айт.*

Байтнинг маъноси:

*Эй келажакни башорат қила олувчи, ишим гуноҳ ва исёндан бошланди,
Ҳеч бўлмаса охиратимда Оллоҳнинг нури ва марҳаматига етиша
оламанми, айт.*

Навоий ошикликни ўзига хос исён деб таърифлайди, яъни маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, расм-русумларга тўғри келмайди. Лекин охирида у Илоҳий тажаллий нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини кўришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унутилади.

Д. Султанова таржимаси:

*O fortune maker I did the job dealing with private revolt,
If I could live kindled life, of it to my sweetheart tell.*

Таржимаси:

Эй мол-дунё йиғувчи, мен шахсий қўзғалон билан боғлиқ иш
қилганман,
Мен ёруғ ҳаётга умид қилишим мумкинми, бу ҳадқа менинг севгилимга
айт.

Мазкур байтнинг биринчи мисрасидаги “эй кароматгўй” бирикмасини “башоратчи” маъносида тушуниш лозим. Аммо, таржимада бу мано “мол дунё йиғувчи, тўпловчи” маъносида келмоқда. Инглиз тилида “make (one's) fortune(s)” бирикмаси борки, уни мол-дунё йиғиш деб таржима қиламиз (17).

Бу бирикма таржимада “fortune maker” кўринишида берилмоқда, аммо бу бирикма бизга маълум инглиз луғатларидан топилмагани учун ҳам, бу таржимон томонидан яратилган окказионализм бўлиши керак деган хулосага келамиз. Назаримизда, инглиз китобхони учун мисра тушунарли бўлиши учун, бу бирикмани “O, fortune teller” сифатида бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, асслиятдаги “оғоз” ва “анжом” сўзлари ҳам ташлаб кетилган. Бу иккала бирлик ўзаро тазод муносабатига киришган бўлиб, унинг таржимада сақланиши мисранинг беагаги бўлаб хизмат қиларди. Бундан ташқари таржимада ёруғликнинг манбаи ҳам тушуриб қолдирилган, яъни “шаъми

раҳмат партави” — “Оллоҳнинг ризолик нури” образи таржимада генерализация билан “ёруғ ҳаёт” бирикмаси билан ўгирилган.

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

*Ah, fortune-teller, I was ever a rebel, now tell me
Will the light of blessing shine on my end?*

Таржимаси:

*Эй башоратгўй, мен доим қўзғалончи бўлганман, энди менга айт
Раҳмат нури менинг охиратимга ёгадими?*

Мазкур таржима олдинги мисраларга қараганда анча тўлиқ ва тўғри амалга оширилган. Унда фақатгина “ишим оғози” бирикмаси “доимо” лексемаси билан алмаштирилган.

Д. Дэли таржимаси:

*How will this end? My fortune in question,
An oracle’s blessings die on the wind.*

Таржимаси:

*Бу қандай тугайди? Менинг тақдирим сўроқ остида,
Кароматгўйнинг фотиҳаси шамолда эшитилмай кетади.*

Таржимон ҳамон ўзининг матни билан ишламоқда гўё; мисрадаги башоратчига қилинган тўғридан-тўғри мурожаат, шоирнинг ички монологига айланиб кетмоқда. Раҳмат нурига эришиш қисми таржимадан бутунлай тушиб қолмоқда, унинг ўрнига, башоратгўйнинг фотиҳаси образи киритилган.

Еттинчи байт:

*Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким кўрсанг дилоромимга айт.*

Байтнинг маъноси:

*Шайдо Навоийнинг ғам ичида ороми йўқ, эй дўст,
Унинг бу аҳволини дилоромимга кўрсанг албатта айт.*

Шоирнинг кўнгли унинг ёри, ёр унинг ёнида эмас экан, демак у дилсиз. Бундан ташқари, “бедил” сўзининг “қайғули, ҳасратли ошиқ” (2, 256) деган маъноси ҳам борки; бунда мисраинг маъносини: “Қайғули ошиқ Навоийнинг ғам дастидан ороми йўқ” деган маънода ҳам талқин қилиш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шоир ошиқнинг ороми, тинчи бўлмаслигини уқтирмақда. У доим ғам ва ҳасратда бўлади, қалби ўртанади. Шоир дўстидан, гар унинг машуқасини кўриб қолгудек бўлса, унга шоирнинг бу каби зор аҳволи ҳақида айтишини илтимос қилади. Зора, ёр унинг бу ҳолидан хабар топиб, унинг дардига даво бўлиб келса, шоирни азоблардан ҳалос этса.

Д. Султанова таржимаси:

*O Friend Navaiy can't take his ease if his heart with sorrow
nursed,*

Of state of mine, be sure to the mistress of my heart to tell (D. S.).

Таржимаси:

*Эй дўст, токи унинг кўнглига ғам ғамхўрлик қилар экан, Навоий енгил
торта олмайди,*

Менинг аҳволимни, кўнглимнинг маликасига албатта айтгин.

Таржимадан кўришиб турганидек, бу байтнинг таржимасини аслият матнига эквивалент деб олиш мумкин.

“Уммондан дурлар”да келтирилган таржима:

No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,

Describe my state to the heartless one who is the joy of my heart.

Таржимаси:

*Йўқ, Навоий, тушкунлик яксон этади, агар кимнингдир севгилиси
кетган бўлса,*

Менинг аҳволимни юраксиз бир юрагимнинг шодлигига айт.

Таржимада “No,”нинг ишлатилиши мутлақо ўринсиз бўлиб, аслиятда у “Навоийнинг ҳаловати йўқ” маъносида қўлланилганди. “Вайронлик” (“*sadness destroys*”) образининг ўрнига “беҳаловатлик”ни киритиш ҳам семантик ҳам лексик мувофиқликни таъминлар эди. Бундан ташқари, “эй рафиқ” бирикмаси тушуриб кетилган. Натижада, иккинчи мисрада шоир ўз аҳолини севгилисига

Ўзи таърифлаб бериши керак бўлади. Аммо бу классик шеър қоидаларига тўғри келмайди, сабаби, шоир севгилисининг ёнига боролмайди. Бунинг одоб нуқтаи назаридан имкони йўқ. Иккинчидан, ёрга нисбатан “юраксиз” деган сифатлаш аслият матнида мавжуд эмас. Бу сифат юқорида келтирилганидек, шоирнинг ўзининг аҳволига тегишли.

Д. Дэли таржимаси:

Sadness, Navoiy, does bring on destruction.

When lovers part joy withers in the wind. (D. D.)

Таржимаси:

Тушкунлик, Навоий, ҳалокатга олиб келади.

Ошиқлар ажралганда шодлик шамолда йўқ бўлиб кетади.

Таржимада на “эй рафиқ” ва на “дилором” образлари сақланган. Бу таржима “Уммондан дурлар”да келтирилган таржимага маъно нуқтаи назаридан яқиндир. Аммо унинг оригинал матн билан алоқаси деярли йўқ.

Юқоридаги таржималар таҳлили натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Структурал нуқтаи назардан, учала таржимада ҳам ғазалнинг 7 байт ва 14 мисралари сақланган. Вазни таржима асарида сақлаш нуқтаи назаридан таржималарнинг бирортасида аслият вазни тикланмаган; шунга қарамай, ўқилиши осонлиги нуқтаи назаридан Д. Дэлининг таржимаси, маънонинг сақланиши нуқтаи назаридан “Уммондан дурлар” таржимаси, шакл ва маъно уйғунлиги нуқтаи назаридан эса Д. Султанованинг таржимасини ажратиб кўрсатиш лозим.

1. Аслият матнидаги “дилоромимға, гуландонимға, худкомимға, шомимға, бадномимға, анжомимға, дилоромимға” қофиялари афсуски бирорта ҳам таржимада қайта тикланмаган. Мазкур ҳолатда инглиз ва ўзбек тилларининг аналитик ва агглютинативлик хусусиятларидан келиб чиқади. Инглиз тилига юқоридаги эгалик қўшимчаси бор бирорта сўзни ҳам битта сўз билан таржима қилишнинг умуман имкони йўқ. Масалан, таржималардан кўрганимиздек, “дилоромим”ни “my heart’s delight” ёки “delight of my heart” кўринишида таржима қиламиз.

2. Ғазалга бетақроп зеб берган “айт” радифи Д. Султанованинг таржимасидагина тўлиқ сақланган. “Уммондан дурлар”да радиф таржима

килинмаган. Аммо, Д. Дэлининг таржимасида аслиятдаги радиф бўлмаса-да, таржимон “wind” сўзини ўзига радиф қилиб олган.

3. Маъно ва аслият прагматикасидан бироз йироқлашган бўлсада, вазн ва ритм нуқтаи назаридан қараганда энг осон ўқиладиган таржима Д. Дэлининг таржимасидир. Матннинг инглиз тилида жуда равон ўқилишига сабаб, унда узун синтактик бирликлар ва кўпчилик образларнинг бир жойда тушурилиб, бошқа жойларда соддароқ вариантлар билан алмаштирилиб қўлланилгани сабаб бўлган.

4. Аслият матнидаги образлар баъзи ҳолатларда янги бирикмалар билан алмаштирилган. Бу ҳолат фақатгина инглиззабон таржимон эмас, ўзбек тилини пухта биладиган таржимонларнинг яратган матнларида ҳам кузатилади. Бизнингча, бунинг асосий сабаби, оригинал матнни етарлича таҳлил қилмасдан киришилганликдир. Навоий тили шунчалик пурмаъноки, унинг ҳар бир мисраси турлича тағмаъноларга эга бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, онатил ва навоийшунос олимларнинг ёрдамидан ғазалнинг ҳар бир мисрасининг таржимасида фойдаланиш зарур.

5. Оригинал ғазал мақтасидаги дўстга мурожаат, фақатгина Д. Султанованинг таржимасида қайта тикланган; “Уммондан дурлар”да келтирилган таржимада шоирнинг мурожаати ўзига нисбатан қаратилган бўлса, Д. Дэли таржимасида бу шоирнинг хулосасига айланиб қолмоқда.

7. 3. Шукурованинг ўз мақоласи хулоса қисмидаги “It is better to use syllabic rhythm when we translate from English into Uzbek. When we translate from Uzbek into English poets should turn to rules of English versification”, — деган фикрга биз ҳам бутунлай қўшиламыз (14). Шу фикрга қўшимча сифатида, бир маданият ва адабиёт маҳсули бўлмиш поэтик асарни, бошқа тилга кўчириш жараёнида уни нафақат рецептор тил шеърляти, балки тилшунослиги коидаларига ҳам бўй сундириш лозим. Акс ҳолда, салланинг устидан инглизларнинг шляпасини бостириб қўйгандек ғализ ва сунъий таржима келиб чиқади.

Учала таржимон ҳам Навоийнинг мазкур ғазалини инглиз тилига ўгиришда жуда катта жонбозлик кўрсатганлар. Классик адабиётнинг лирик жанрлари таржимасига қўл урган мутахассисдан чуқур лингвистик билим, улкан маҳорат, ўз ишига муҳаббат, ғазалда келтирилган нозик маъноларни илғай олиш кўникмаси, маъданиятлар ва ҳаёт тарзлари орасидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар, аслият шоири услуби ва кўп қўллайдиган образлари ҳақида чуқурроқ маълумотларга эгалик ва албатта, катта жасорат талаб қилади. Бу жуда катта масъулият. Навоийни инглиз тилига таржима қилиш XIX асрда

бошланган бўлса-да, бугунги кунда ҳам бу соҳада қилиниши талаб этилаётган ишлар бир талай. Навоийнинг тили мураккаб, чет элликлар у ёқда турсин, маҳаллий китобхонлар ҳам баъзан мутафаккирнинг байтларини тушунишга қийналиб қолишлари мумкин. Аммо, бу таржима қилмаслик, миллий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилмаслик учун баҳона бўла олмайди. Иш бор жойда камчиликнинг ҳозир бўлиши табиий ҳол. Мақоланинг асосий мақсади асло устоз таржимонларимиз томонидан бажарилган таржималарни танқид қилиш эмас. Аксинча, улар қўйиб берган асосни таҳлиллар воситасида ривожлантириш, силлиқлаштириш ва ўзбек маданияти билан таниш бўлмаган кишиларнинг юксак нафосат ва бадиийлик намунаси бўлмиш ғазалларни қабул қилишини енгиллаштириш йўллари топишдир.

Америкалик шоир ва таржимон Д. Дэли томонидан амалга оширилган ғазалларининг таржимаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у камчиликлардан холи бўлмаса-да, буюк Алишер Навоийни жаҳонга танитишда яна бир дадил кадамдир. Келажакда хорижий таржимон ижодкорларининг ўзбек Навоийшунос олимлари билан фаолият олиб боришлари эса унданда гўзал ва мукамал таржима асарларини дунёга келтиришига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Peter Newmark. A Textbook of Translation. —New York London Toronto Sydney Tokyo: Prentice Hall, 1987, — 310 p.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), I жилд. — Тошкент: Фан, 1983. — 656 б.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), II жилд. — Тошкент: Фан, 1983. — 644 б.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), III жилд. — Тошкент: Фан, 1983. — 624 б.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (АНАТИЛ), IV жилд. — Тошкент: Фан, 1983. — 624 б.
6. Дэли Деннис. Twenty-one Ghazals Alisher Navoiy — Соммервил: Сервена Барва Пресс, 2016. — 46 б.
7. А. Навоий. Ғаройиб ус-сиғар, МАТ, III жилд. — Тошкент: Фан 1992. — 573 б.
8. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. — Тошкент: Академнашр, 2011. — 329 б.
9. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. — Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. — 166 б.
10. Султанова Д. Selected Gazels of Navoiy — Тошкент. 2015 — 68 б.
11. Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. — Тошкент: Шарқ, 2000. — 113 б.

12. Холбекова Б. Алишер Навоий ғазалларида умуминсоний кадрятлар талқини. Филология масалалари, 2019, №2; 120-126 Б.
13. Қамбаров, Н.: Таржимада трансформацияларга сабаб бўладиган вазиятлар хусусида. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал, — № 1, 2018. — Б. 145–149.
14. Шукурова З. The Ways of Recreation of Navoi’s Gazels in Russian and English // “The Role of Linguistics and Verbal Communications in the Process of Informational Support of Ethnic Originality of Nations and their Progressive Interaction” Conference materials. - London, November 4 –11, 2015. — P. 48–50.
15. <https://www.thefreedictionary.com/be+tempted>
16. <https://idioms.thefreedictionary.com/heart+bleeds>
17. [https://idioms.thefreedictionary.com/make+\(one%27s\)+fortune\(s\)](https://idioms.thefreedictionary.com/make+(one%27s)+fortune(s))

References

1. Newmark Peter, *A textbook of translation*, New York London Toronto Sydney Tokyo: Prentice Hall, 1987, 310 p.
2. *Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug’ati* (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi’s works), Vol.1, Toshkent: Science, 1983, 656 p.
3. *Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug’ati* (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi’s works), Vol. 2, Toshkent: Science, 1983, 644 p.
4. *Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug’ati* (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi’s works), Vol. 3, Toshkent: Science, 1983, 624 p.
5. *Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug’ati* (Explanatory Dictionary of the language of Alisher Navoi’s works), Vol. 4, Toshkent: Science, 1983, 624 p.
6. Deli Dennis, *Twenty-one ghazals Alisher Navoiy* Sommerville: Servena Barva Press, 2016, 46 b.
7. A. Navoi, *G’aroyib us-sig’ar*, MAT, Vol. 3, Toshkent: Fan, 1992. 573 b.
8. Sirozhiddinov Sh. *Alisher Navoiy manbalarning qiyosiy-tipologik, tekstologik tahlili* (Comparative-typological, textological analysis of Alisher Navoi sources), Tashkent: Akademnashr, 2011, 329 b.
9. Sirozhiddinov, Sh., Odilova G. *Badiiy tarjima asoslari* (Basics of artistic translation), Toshkent: Classical word, 2011, 166 p.
10. Sultanova D., *Selected gazels of Navoiy*, Toshkent, 2015, 68 p.
11. *Ummondan durlar – g’azallar, hikmatlar va ruboiylardan namunalari* (Pearls from the ocean – examples from Gazals, proverbs and ruboi), Collector Yu. Parda, Tashkent: East 2000, 133 p.
12. Kholbekova B. *Filologiya masalalari* 2019, No. 2, 120-126 p.
13. Qambarov N. *O‘zbekistonda xorijiy tillar ilmiy-metodik elektron jurnal*, 2018, No. 1, 145-149 p.
14. Shukurova Z., *The ways of recreation of Navoi’s gazels in Russian and English*, “The role of linguistics and verbal communications in the process of informational support of ethnic originality of nations and their progressive interaction” conference materials. London, November 4 - November 11, 2015. Pp. 48-50
15. <https://www.thefreedictionary.com/be+tempted>
16. <https://idioms.thefreedictionary.com/heart+bleeds>
17. [https://idioms.thefreedictionary.com/make+\(one%27s\)+fortune\(s\)](https://idioms.thefreedictionary.com/make+(one%27s)+fortune(s))